“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«Навоий ИЭС» АЖ
Бош директори

_____________ Қ.Х.Ганиев
03.07.2020 йил

2020 йилни 6 ойи давомида «Навоий ИЭС» АЖга келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши ва сайёр қабуллар ўтказиш ҳолатлари бўйича ўтказилган ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили бўйича

# М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан «Навоий ИЭС» АЖга 2020 йилнинг 6 ойи давомида келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши, сайёр қабуллар ўтказилиш ҳолатлари бўйича ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди.

2020 йилни 6 ойида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 38та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 14таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 22таси ёзма шаклдаги, 2таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

38та мурожаатлардан 38таси жисмоний шахсларнинг мурожаатлари.

2019 йилнинг 6 ойи давомида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 99та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 42таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 47 таси ёзма шаклдаги, 10 таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

Шундай қилиб 2020 йилни 6 ойи давомида 2019 йилни шу даврига қараганда **умумий мурожаатлар сони 61тга, яъни 62%га камайган.**

2020 йилни 6 ойида қабул қилинган ва кўриб чиқилган 14та огзақи шаклдаги мурожаатлардан Бош директор К.Х.Ганиев ҳиссасига 11та, Бош директор ўринбосарлари ҳиссасига 3та оғзаки мурожаат келиб тушмоқда.

2020 йилни 6 ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал кабулхонаси орқали келиб тушган 2та мурожаатлардан 2 таси маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқилган ва бўйича тушунтиришлар берилган, рад этилган мурожаатлар қайд қилинмаган.

2020 йилни 6 ойида “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган 38 мурожаатлардан 4таси қаноатлантирилиб, 32таси бўйича тушунтириш берилган, 2таси мазкур маълумотнома тузиш вақтида кўриб чикиш жараёнида.

2020 йилни 6 ойи давомида мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ўтказилган 1та ўрганиш ўтказилган ва камчилик аниқланмаганлиги сабабли тегишли ходимларга моддий жазо турлари қўлланилмаган.

Мурожаатларни масалалар кесимида таҳлили утказилганида, 2019 йилда иссиклик энгергиясини етказишда нуксон ва камчиликларга йўл қўйилганлиги юзасидан Ўз.Р. Президентининг Виртуал кабулхонаси ва бошқа юқори турувчи идораларга куплаб мурожаат булган булсада, 2020 йилни 6 ойи давомида бу каби масаладаги мурожаат қайд қилинмаганлигини кўришимиз мумкин.

2020 йилни 6 ойида маьмурият ва мансабдор шахсларнинг ноконуний харакатлари устидан берилган мурожаатлар сони 1 тани ташкил килмоқда.

2019 йилни 6 ойида сайёр ва оммавий кабуллар сони 1 тани ташкил килсада, 2020 йилни 6 ойи давомида сайёр ва оммавий кабуллар сони 2тани ташкил килмокда. Шу билан бирга агарда "Короновирус" пандемияси билан боглик бўлган вазият келиб чиқмаганида, 2020 йил давомида ушбу каби сайёр ва оммавий кабуллар сони кўпайган бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз булади.

Тизимда энг кўп мурожаатлар тушаётган масалалар таҳлили ўтказилганида, шу нарсани айтиб ўтиш керакки оммавий ва сайёр кабулларда "Навоий ИЭС" АЖнинг ишчилари томонидан уларнинг ойлик маошлари бошқа корхоналарнинг ишчиларининг ойлик маошидан камлиги эътироф этилмоқдалигини курсатиш мумкин. Бунинг сабаблари деб "Навоий ИЭС" АЖ иқтисодий жиҳатдан Республика бўйича анча ривожланган Навоий регионида жойлашган бўлиб, бу ерда фолият кўрсатиб келаётган бошқа гигант корхоналар (НГМК, Навоийазот" Кизилкумцемент" , "Навоий ЭИЗ" каби корхоналар)даги ишчиларнинг ойлик маошлари юқорироклигида деб изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида **жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар** ўтказилмаган, **телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар) да чиқишлар сони деярли йўқлигини кўрсатиш мумкин.**

Мазкур ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра корхонани мурожаатлар билан ишлаш борасида мурожаатлар билан ишлаш ахволи юзасидан ўрганишлар сонини кўпайтириш, мурожаатлар билан ишлашда назоратни кучайтириш, бу борада нуқсонга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик чораларини белгилаш, идора тизимида энг кўп тушаётган масалалар бўйича таҳлиллар сонини кўпайтириш, таҳлиллар натижаларига кўра тегишли идораларга **таклифлар юбориш**ни купайтириш, **жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар** ўтказиш, мурожаатлар билан ишлаш юзасидан **жамоатчилик вакиллари олдида ҳисобот бериш, сайёр қабуллар сонини короновирус эпидемияси ҳолати тамом бўлганидан сўнг кўпайтириш, телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар)да чиқишлар сонини ошириш лозим бўлади деган хулосага келинди.**

Ушбу ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил ўтказиш давомида “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган мурожаатларнинг барча йиғма жилдларидан фойдаланилди ва мазкур маълумотнома Бош директор, директорлар, бўлим бошлиқларига хизма жараёнида маълумот тариқасида қабул қилишлари ва тегишли чоралар кўриб боришлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасини 4-бандига асосан веб-сайттга жойлаштирилиши учун тақдим қилинмоқда.

Маълумотномани тузувчи
Офис-менежер И.Б.Норов